



20 20 у. « 30 » сентябрь

№ Қ-516

« » 20 г.

**Жарқўрғон тумани Окқўрғон масиви “Қораёнтоқ”
маҳалласи худудидан “PARRANDA KOMPLEKS
SAVDO” МЧЖга боғ ташкил этиш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/637-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 03 августдаги 02-05/125-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/637-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани Окқўрғон масиви “Қораёнтоқ” маҳалласи худудидан “PARRANDA KOMPLEKS SAVDO” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1қ, 1в.қ, 1бқ, 13а, 13қ ва 11қ-дала контурларидаги 20,0 гектар яйлов ер майдони боғ ташкил этиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **DEVONXONA**



Т.Боболов